



O'zMTDP — www


MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон
«Миллий
тикланиш»
демократик
ҳаракати
нашри

№ 52 (1050) 2019 йил 23 декабрь, душанба

1995 йил 10 июлдан чиқса бошлаган

Адади 9 077



3. ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР
ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ҲАМ
НАМОЁН БЎЛДИ

2. САЙЛОВЛАР
ОЧИҚ ВА
ОШКОРА ЎТДИ



САЙЛОВДА ВАТАН, ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ

Муносабат

Ўзбекистонда
хотин-қизлар
роли ортмоқда

ЎЗА мухбири Фаргона вилоятида сайлов жараёнини кузатаётган халқаро кузатувчилар билан суҳбатда бўлди.

Булат Хисамутдинов, ШХТ эксперти (Хитой):

— Биз синчковлик билан сайловга бўлган тайёргарликларни кузатиб бордик. Шунингдек, таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берган. Биринчи навбатда, сайловларни бошқариш ахборот тизими яратилиб, сайловчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилгани таҳсинга лойиқ. Бу билан сайловларни муваффақиятли, ҳар томонлама ва катта масштабда, барча фуқароларни қамраб олган ҳолда ўтказиш мумкин. Шунингдек, кўп ўзбеклар яшайдиган Россия, Хитой давлатларида ҳам. Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда аёлларнинг жамият бошқарувида роли янада оширилмоқда. Оддий ва парламент ҳаётида ҳам. Сайлов кодексига аёлларнинг сони сиёсий партия томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгилаб қўйилгани эътиборга молик.

Сайловлар очик ва ошкора бўлиб ўтмоқда. 5 та партия номзод кўрсатган бўлиб, бу рақобат бўйича норматив саналади. Сайловга келган фуқаролар ўзи истаган партияни ва номзодни танлаши мумкин. Фаргона вилоятидаги Қўқон, Маргилон шаҳарлари ва Тошлоқ туманидаги жараённи кузатдик.

Ўзбекистон мен учун жуда ҳам қадрдон юрт. Мамлакатингизда барча соҳаларда катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистондаги барқарорликдан, тинч ва осойишта ҳаётдан фахрланса арзийди.

Фернандо Мануел (Испания):

— Ўзбекистондаги кечаётган ҳар бир жараённи доимо кузатиб бораман. Мамлакатингизда сайлов тизими йилдан-йилга такомиллашиб, демократик талаблар асосида ўтказилмоқда.

Бугун ўтаётган парламентнинг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳам жиддий тайёргарлик асосида ташкил этилганини кўрдим. Сайлов ва номзодларнинг таржимаи ҳоллари, дастурлари ҳақидаги ранг-баранг плакат ва шiorларга кўзим тушди. Оммавий ахборот воситаларида ҳам сайлов жараёни, номзодлар ўртасидаги соғлом рақобат кенг ва тенг ёритилиши таъминланган.

Буларнинг барчаси сайловда очикликни, ошкораликни ва номзодлар ўртасидаги тенгликни тўла таъминлайди, дейиш учун тўла асос бор. Мен бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, фуқароларнинг фаоллигининг гувоҳи бўлдим.

М. СУЛАЙМОНОВ

Мамлакатимизда 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайлов жараёнини кузатишда МДХ, ШХТ, ЕТТБ, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, Туркий кенгаш, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Парламент Ассамблеяси, шунингдек, ЕХХТ Демократик институт-

лар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибида 700 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

ЎЗА мухбирлари "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган сайловларда қатнашган хорижий кузатувчиларнинг айримлари билан суҳбатлашди, уларнинг сиёсий жараён бўйича фикрлари билан қизиқди.

Казтана ДЕ ЗУЛУЕТА, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) сайловни кузатиш миссияси раҳбари:

— Сайловлар турли мамлакатларда ўзига хос тарзда ўтказилади. Аммо унинг тамойили бир — танланган номзодларга овоз бериш. АҚШда сайловлар электрон тарзда, Европа Иттифоқида эса Ўзбекистонда бўлгани каби сайлов бюллетенларида амалга оширилади.

ЕХХТ ДИИХБ вакиллари Ўзбекистон бўйлаб сайлов жараёнларини кузатапти. Ўрганишларимиз якуни бўйича ўз хулосаларимизни тақдим этамиз.

Айрим ўринларда бюллетенларда номзодларга қарши овоз берувчи қатор йўқлиги айтилди. Шунингдек, кераки, ушбу қатор кўпгина давлатларнинг сайлов бюллетенларида ҳам йўқ. Бу сайловларнинг демократик руҳда ўтишига таъсир этмайди.

Давоми 2-бетда

ПАРЛАМЕНТ ТОМ
МАЪНОДА ХАЛҚ УЙИГА
АЙЛАНИШИ КЕРАК

4с

АНДИЖОНДА
100 ЁШДАН ОШГАН
82 НАФАР ФУҚАРО
САЙЛОВДА ОВОЗ
БЕРДИ

2с



Президентимиз томонидан бошланган янгилашиш жараёни нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ишонч билан айтиш керак, биз ҳам бунга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

5-бет

ЯНГИ АВЛОД
ВАКИЛЛАРИГА ИШОНАМИЗ

✓ Ўзбекистонда илк бор янги Сайлов кодекси қабул қилинди ва унда халқаро сайлов ҳуқуқининг барча тартиб-қоидалари белгиланган. Кодексни Ўзбекистон фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён қилишларининг кафолати, дейиш мумкин.

САЙЛОВДА ВАТАН, ХАЛҚ ТАҚДИРИГА

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ижроия кўмитаси кузатувчилари миссияси раҳбари, МДХ Ижроия кўмитаси Раиси – Ижрочи котиби:

– МДХ Ижроия кўмитаси кузатувчилари миссияси бир ойдан буён мамлакатингизнинг турли ҳудудларида бўлиб, сайловга кўрилган тайёргарлик жараёнини кузатди. Миссиямиз барча сайловолди жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайловни ўтказишга алоқадор тузилмалар, жумладан, Ички ишлар, Ташқи ишлар вазирликлари, Бош прокуратура билан яқиндан ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистонда илк бор янги Сайлов кодекси қабул қилинди ва унда халқаро сайлов ҳуқуқининг барча тартиб-қоидалари белги-ланган. Кодексни Ўзбекистон фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён қилишларининг кафолати, дейиш мумкин.

Сайлов кампанияси сифатли ташкил этилган. Овоз беришда камчиликлар бўлмади, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришларини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўрилган. Бу эса сайлов натижалари халқ кутганидек бўлишини кафолатлайди.

Кристоф БЕРНАСКОНИ, халқаро кузатувчи (Нидерландия):



– Мамлакатингизда ўтказилган сайлов муносабати билан уч кун давомида Тошкентда фаолият юритдик. Муҳим сиёсий воқеликка ҳозирлик жараёнлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлдик. Айтишим мумкинки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан эркин фойдаланишлари учун

барча шароит яратилган. Халқаро кузатувчи сифатида бу борадаги ишларни алоҳида қайд этишни истардим.

Бевосита сайлов жараёнига тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳар Миробод туманида ташкил этилган 218-сайлов участкасида бўлиб, фуқароларнинг овоз беришда иш-

”

МАМЛАКАТИНГИЗДА ЁШЛАР МАСАЛАСИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИКНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАМОҚЧИМАН. КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИГА БЎЛГАН БУНДАЙ МУНОСАБАТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ. БУ МАСАЛАДА ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎРГАНСА АРСИЙДИГАН ЖИХАТЛАР КЎП.

Филиппо МАЛИНВЕРНО

тирокини, сайлов комиссияси, ишончли вакиллар фаолиятини кузатдим. Сайлов кўтаринки руҳда, юқори савияда, илк бор қабул қилинган янги Сайлов кодексига мувофиқ, очиқ ва ошқора тарзда ўтказилди.

Алмутава ЖАСИМ ИСО, БАА Савдо-саноат вазирлиги маслаҳатчиси, халқаро кузатувчи:

– Сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш учун келган фуқароларни, улар ҳуқуқларининг таъминлигини кузатдим ва қонун бузилиш ҳолатини учратмадим. Очиқликни таъминлашга қаратилган сайловчилар иштирокининг ягона базаси яратилгани менда катта таассурот қолдирди. Сайловга яхши тайёргарлик кўрилган. Номзодлар орасида хотин-қизлар ва ёшларнинг кўплиги қувонарли.

Мамлакатингизда уч йил олдин ўтказилган Президент сайловларида ҳам иштирок

этиб, аҳолининг келажакка бўлган интилиши, мақсадлари сари ҳаракатига гувоҳ бўлгандим. Бугун ана шу танлов туфайли юртингизда демократик тамойиллар, сўз эркинлиги таъминланмоқда. Демак, сайловда тўғри танлов амалга оширилган.

Бу гал ҳам номзодлар орасидан танланган депутатлар Ўзбекистоннинг келажакки йўлида меҳнат қилиб, унинг равнақи ва аҳоли турмуши фаровонлигини янада яхшилашда муносиб иштирок этишига ишонаман.

Наргис РАҲМОНОВА, МДХ Парламентларо Ассамблеяси кузатувчи миссияси вакили (Тожикистон):




– Мамлакатингиз сайлов қончилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бу йилги сайловларни том маънода янгича руҳда ташкил этиш имконини берди.

Сайловларда сиёсий партиялар, ҳар бир фуқаронинг очиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки таъминланган. Улар учун умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мос шароитлар яратилган. Сайлов участкаларида бўлиб, жараённи кузатдим ва ҳамма жойда сайловлар қончилиikka тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтганига гувоҳ бўлдим.

Гендер тенглиги масаласи билан боғлиқ бир фактни ибрат сифатида қайд этишни истардим: Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига асосан депутатликка номзодлар орасида хотин-қизлар умумий миқдорнинг 30 фоизидан кам бўлмалиги белгилаб қўйилган. Шу маънода, номзодларнинг 45 фоизи аёллар экани мени қувонтирди. Бу мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъ-

минлашга устувор аҳамият қаратилишидан далолат.

Мунир ҲАБИБ, ШҲТ Котибияти маслаҳатчиси, халқаро кузатувчи (Покистон):



– Андижон шаҳридаги қатор сайлов участкалари фаолияти билан танишдим, одамлар билан суҳбатлашдим. Ушбу вилоят мисолида Ўзбекистон Республикаси парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларга тайёргарлик ишлари юқори савияда ташкил этилганига амин бўлдим.

Сайлов куни Андижон шаҳридаги 45-сайлов участкасида бўлиб, фуқароларнинг фаоллиги, сайловчилар учун зарур шароитлар яратилгани, сайлов комиссияларида ўз ишини пухта биладиган, муайян тажрибага эга кишилар жалб этилгани, жараён халқаро талаб ва мезъорлар асосида ўтказилганини кузатдим.

Халқаро андозалар, демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда халқингиз энг муносиб номзодларга овоз берди. Бу танлов, албатта, мамлакат тинчлик-хотир-жамлиги, юртингизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Кубаничбек ТААБАЛДИЕВ, Қирғизистон «Кабар» миллий ахборот агентлиги бош директори, халқаро кузатувчи:

– Ушбу сиёсий жараён мамлакатингиз учун улкан тарихий аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлик даврида илк бор ташкил этилган бу сиёсий тадбирнинг муҳим жиҳатларидан бири – соҳага оид

Андижонда 100 ёшдан ошган 82 нафар фуқаро сайловда овоз берди

Андижон вилоятида ёши юздан ўтган 82 нафар нуруний ва онахонлар истиқомат қилади. Бугун, 22 декабрь куни сайлов участкалари томонидан уларнинг яшаш жойларига бориб, овоз бериш ташкил этилди.

Пахтаобод туманилик Ўринжон она Эрматова туманининг «Муаззинбой» маҳалласида яшайди. 1912

йил 1 январда туғилган онахон Пахтаободдаги 428-сайлов участкасига ўзи келиб номзодларга овоз берди.

Олтинкўл туманидаги «Топтик» маҳалласида яшовчи Саодатхон она Ҳайитова 106 ёшда. Онахоннинг оиласи катта. У кишининг 8 нафар фарзанди, 52 нафар набаираси, 39 нафар эвара, 13 нафар чевара ва 1 авараси бор экан.

Юзни қоралаган Саодатхон онанинг олдида тумандаги 109-сайлов участкаси вакиллари билан бирга бордик. Том маънодаги пир-у бадавлат онахон ҳали дадил, кўзлари тиниқ кўрар экан, дуо қилдилар. У киши ўз қўллари билан сайлов бюллетенларида номзодни белгилаб овоз бердилар.

Марҳамат туманида

истиқомат қилувчи 102 ёшли Улуғхон момо Ибрагимова ҳам 317-сайлов участкасида овоз берди.

II жаҳон уруши қатнашчиси Маҳмуджон ота Ҳолмахсумов Шаҳрихон туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида яшайди. 93 ёшли отахон 195-сайлов участкасига ўзи келиб овоз берди.

Элмурод ЭРМАТОВ



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –



✓ Сўнги йилларда Ўзбекистонда кенг кўламли ижобий ўзгаришлар кузатилаётганда. Мазкур сиёсий воқеликни ҳам ушбу янгиланишлар самараси сифатида баҳолаш мумкин. Сайловда ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, мамлакат раҳбарига беvosита дахлдор эканини яна бир бор намоён этди.

ДАХЛДОРЛИК ТҲЙҒУСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ



воқеликка алоҳида тайёргарлик кўрилган. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этгани таҳсинга лойиқ. Боиси, ривожланган давлатларда ҳам ҳар доим бу каби уюшқоқликни кўриш мушкул.

Фуқаролар ўз позициясини эркин овоз бериш орқали билдиришди.

Владимир ГРАЧЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

– Кузатувчи сифатида сайлов участкаларида тайёргарликнинг бориши ва сайлов бошлангандан кейинги жараён билан танишдик. Ўзбекистонда янги Сайлов кодекси асосида сайловларни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилган. Биз борган сайлов участкаларида жараён демократик руҳда, шаффоф муҳитда, қонунчиликка мос ўтганини қайд этишни истардим.

Сайлов жараёни мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга ҳамоҳанг кайфиятда ўтганини ҳис қилдик. Шу маънода, айтишим мумкин, сайлов бўйича хулосаларим ижобий.

Гулнара КУНБАЕВА, Оқтўба вилояти сайлов комиссияси раиси (Қозоғистон):



– Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтган очиқ ва ошқора сайловларда Ўзбекистон кучли демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритганини намоён этди. Сайловчилар ўз хоши-иродасини эмин-эркин билдиргани бунга яққол мисол. Термиз шаҳридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Сайловчилар катта қизиқиш билан келиб, номзодлар учун яширин овоз берганини кузатдик. Ўзбекистон миллий қонунчилигида сайловларни адолат ва тенглик тамойили

”


САЙЛОВДА ҲАР БИР ФУҚАРО ЎЗ ТАҚДИРИГА, МАМЛАКАТ РАВНАҚИГА БЕVOSITA ДАХЛДОР ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ.

Геннадий ОНИШЕНКО

асосида ўтказиш меъёрлари мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакат ривожига хизмат қилмоқда.

Сайлов фуқаролар фаоллигида ўтди. Буни муҳим сиёсий жараённинг туб моҳиятини одамларга тушунтириш учун қилинган салмоқли ишлар самараси, дейиш мумкин.

Геннадий ОНИШЕНКО, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси депутати:



– Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб, сайлов тизими билан яқиндан танишдик.

Албатта, бу галги сайлов қонунчилигига кўплаб ўзгаришлар киритилган.

Ўзбекистонда ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида учинчи бор иштирок этдим. Бу галги сайловда мамлакатингизда кечаётган демократик янгиланишлар руҳи халқингизнинг овоз бериш жараёнида ҳам намоён.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда кенг кўламли ижобий ўзгаришлар кузатилаётганда. Мазкур сиёсий воқеликни ҳам ушбу янгиланишлар самараси сифатида баҳолаш мумкин. Сайловда ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, мамлакат раҳбарига беvosита дахлдор эканини яна бир бор намоён этди.

Филиппо МАЛИНВЕРНО, халқаро кузатувчи (Италия):



– Ўзбекистонга илк бор 2018 йилда келгандим. Қисқа фурсатда улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди.

Юртингиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан дунёга юз тутмоқда. Сайловда аҳоли фаол иштирок этгани ҳам бу фикрнинг ёрқин мисоли. Барча тайёргарлик ишлари халқаро меъёрларга мос. Ўзбекистонда аҳолининг аксариятини ёшлар ташкил қилишини эшитгандим. Номзодлар орасида ҳам ёш авлод вакиллари устунлик қилиши Ўзбекистон ўз келажагини баркамол авлод тақдирида кўраётганидан далолат.

Шу ўринда мамлакатингизда ёшлар масаласига қаратилаётган доимий эътибор ва гамхўрликни алоҳида таъкидламоқчиман. Келажак эгаларига бўлган бундай муносабатга ҳавасим келди. Бу масалада Ўзбекистондан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп.

ЎЗА

«САЙЛОВ – 2019»

Далил ва рақамларда

22 декабрь куни ўтган сайловлар Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган янги Сайлов кодекси асосида ўтди.

Сайловларда 5 та партиёга тенг имкониятлар яратиб берилди.

Овоз бериш жараёнлари аккредитациядан ўтган 1155 маҳаллий ва хорижлик ОАВ вакиллари томонидан ёритилди. Сайловлар жараёнида 10 нуфузли халқаро ташкилотдан, дунёнинг 50 га яқин давлатидан юзлаб халқаро кузатувчилар иштирок этди. Бундан ташқари, сиёсий партиялардан ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан 70 мингдан зиёд кузатувчи қатнашди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова овоз берди

Олтиариқлик Ўзбекистон Қаҳрамони, “Нурли обод” фермер хўжалиги раҳбари Лолахон Муротова ҳам ўз ҳудуди — “Қапчугай” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 853-сайлов участкасига келиб, ўзи муносиб билган номзодлар учун овоз берди.


– Бу йил янги сайловлар бўляпти, 5 та сиёсий партияларнинг иштирок этаёт-

гани, рақобатнинг кучайгани ва халқимизнинг бу жараёнга бефарқ эмаслиги ҳам буни кўрсатиб турибди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова. – Халқимиз ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзи танлаган, ўзи муносиб билган номзод учун овоз бермоқда. Мен ҳам эртанги кунимга бефарқ эмасман. Юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровонлиги

учун овоз бердим. Ўзим ҳам илк марта 1980 йилда вилоят кенгаши депутатлигига номзод сифатида кўрсатилиб, сайланганман. Мустақилликдан кейин ҳам 2 марта вилоят кенгаши депутати бўлдим. Депутатликнинг юки ниҳоятда оғир. Халқнинг ишончини оқлаш учун тинимсиз меҳнат қилиш керак.

М. СУЛАЙМОНОВ

ЯНГИ САЙЛОВЛАР»



✓ Сайлов куни эса тўртта маъмурий иш кўриб чиқилган. Ноқонуний сайлов ташвиқоти олиб борган қувалик шахсга нисбатан ҳам маъмурий судда 1,5 миллион сўм жарима қўлланилган.

ПАРЛАМЕНТ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК



Тан олиш керак, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган сиёсий тadbир сабаб кейинги уч йилда амалга оширилган туб ислохотларга, шунингдек, Ўзбекистон танлаган сиёсий йўлга яна бир бор баҳо берилди.

Бу эса “Сайлов – 2019” натижалари, яъни Ўзбекистоннинг келгуси беш йилликдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жаҳон ҳамжамияти томонидан жуда катта эътибор қаратилаётганини ҳам қўрсатди.

Кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган маълумотда 22 декабрь куни 20:00 га қадар 18 миллион 797 минг 810 нафар сайловчининг 13 миллион 355 минг 911 нафари яъни, 71,1 фоизи сайловда иштирок этгани қайд этилди. Айрим экспертлар ана шу рақамни таҳлил қилишга улгурмай туриб, ижтимоий тармоқларда

71,1 фоизлик кўрсаткич ишонарли экани хусусидаги мулоҳазалар пайдо бўлди. Яъни, аввалги йилларда бу рақам ҳеч қачон 85 фоиздан кам бўлмагани, масалан, 2014 йилги парламент сайловида 88,94 фоиз, 2009 йилда 85,1, 1999 йилда эса 95,03 фоиз овоз қайд этилиб, бу галги кўрсаткич ижобий маънодаги натижа экани таъкидланди. Бу масалага аниқрақ, ижтимоий тармоқларда кенг эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Масалан, таниқли журналист Хусан Эрматов 71,1 фоизга муносабат билдириб, ФБдаги саҳифасида “бу халқимизнинг сайловларга куюнчаклик билан қараш сўнмагандан далолат” деб ёзди.

Бундай рақамларни сайловчиларнинг сайловга, сиёсий партияларга бўлган муносабати натижаси, деб ҳам баҳолаш мумкин, албатта.

Ортда қолган 90 кунлик давр чуқурроқ таҳлил

этилса, аҳолининг маълум бир қисмида сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган номзодларга нисбатан ишончдан кўра, ишончсизлик устувор бўлганини кўриш мумкин. Ушбу мақола тайёрланаётган пайтда “BBC” мухбири Москва шаҳрида яшовчи юртдошларимизнинг сайловга бўлган муносабати асосида тайёрлаган репортажини эълон қилди. “Озгина ишонч бўлгани учун ҳам сайловга келдим” – деб номланган ана шу лавҳа бугунги ўзгаришлар хориждаги юртдошларимиз учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётганининг ифодаси ҳам бўлди.

Маълумки, ушбу сайловда чет элларда истиқомат қилаётган 1 миллион 697 минг 647 нафар фуқаро қатнашиши бу жами сайловчиларнинг 8,3 фоизини ташкил этиши таъкидланган эди. Бу йил Россиянинг 8 та ҳудудида ҳам биринчи марта сайлов участкалари ташкил этилди. Юртдошларимиз илк бора Санкт-Петербург, Новосибирск, Қозон, Ростов-на Дону, Екатеринбург ва Владивосток шаҳарларидаги консулликларда овоз бердилар.

Шу ўринда ниҳоятда муҳим бир масалага эътибор қаратиш жоиз. Гарчи Ўзбекистон 2019 йили “Йил давлати” дея тан олинди, мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар барқарорлик касб этаётгани таъкидланаётган бўлса-да, хали-ҳануз “сўз эркинлиги тўла таъминланмаган, матбуот ҳали эркин эмас, инсон ҳуқуқлари масаласида бир қатор муаммолар мавжуд” деган фикр-мулоҳазаларни ҳам эшитяпмиз. Очиғи, бундай ёндашувдан ажабланмаслик керак. Чунки инсоният тарихи қотиб қолган тартиб-қоидалар ўрнига янгисини ўрнатиш учун муайян вақт талаб этилишини кўрсатмоқда. Бу эскилик ўрнини янгилик эгаллаши оson кечмаслигини ҳам англатди.

Биз кейинги уч йилда демократик давлатнинг асосий устунлари бўлган сиёсий тизимга, сайлов масаласига ҳам янгича ён-

даша бошладик. Биринчи марта Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиб, Сайлов кодекси яратилди. Аҳолининг сайлов жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида 63 минг 780 та тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Сайловда 9 минг 116 маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 10 минг 260 сайлов участкасига кузатувчилар бириктирилди. Оқруқ сайлов

ниҳоятда танқидий руҳда ўтганини таъкидлаш жоиз. Кўпинча ўртага ташланган саволлар сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган номзодларни қийин аҳволга ҳам солиб қўйди, дейиш мумкин.

Сайлов пайти миллий матбуотимиз ҳам уйғонди. Хусусан, “Ишонч”, “Жамият”, “Хуррият”, “Оила даврасида” сингари нашрларнинг кескин чиқишлари миллий матбуот ўз зиммасидаги ижтимоий масъулиятини

ФБдаги саҳифасида “2014 йил 21 декабрда парламент сайловлари ўтказилган. Овоз берган депутатимни беш йил давомида кўрмадим, энди беш йилда қандай бўларкин?” дея саволомуз фикр қолдирганини таъкидлаш жоиз.

Аммо бу галги сайловолди дебатларида сайловчилар зиммасида ҳам жуда катта масъулият борлиги айтилганини унутмаслик керак. Бас, шундай экан, жамият бир тану, бир жон бўлгандагина мавжуд иллатлардан қутула олади, холос. Сайловларда йўл қўйилган хатолар эса бу борада ҳали кўп изланишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев иштирокида ўтган матбуот анжуманида ҳам сайлов билан боғлиқ 65 та мурожаат тушгани, унинг ярмидан кўпи номзод сифатида рўйхатга олинмаган шахслардан экани таъкидланди.

Бош прокурор, шунингдек, Олмазор тумани 39-сайлов участкаси ҳамда Намангандаги 32-сайлов участкасида номзодлар томонидан ташвиқот олиб боришда қонунбузарликка йўл қўйилганини ҳам маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комиловнинг таъкидлашича, сайлов кунигача 7 та шикоят тушган бўлиб, уларнинг барчаси номзодларни рўйхатга олиш билан боғлиқ бўлган.

Сайлов куни эса тўртта маъмурий иш кўриб чиқилган. Ноқонуний сайлов ташвиқоти олиб борган қувалик шахсга нисбатан ҳам маъмурий судда 1,5 миллион сўм жарима қўлланилган.

Хулоса қилиб шунни айтиш жоизки, чинакам ўтиш даврини бошдан кечириётган Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ҳам навбатдаги сайловларда жуда катта имтиҳондан ўтди. Натижалар қандай бўлишидан қатъий назар сайловчи парламентнинг чинакам халқ уйига айланишига умид қилапти.

“ САЙЛОВДА

чет элларда истиқомат қилаётган 1 миллион 697 минг 647 нафар фуқаро қатнашиши бу жами сайловчиларнинг 8,3 фоизини ташкил этиши таъкидланган эди. Бу йил Россиянинг 8 та ҳудудида ҳам биринчи марта сайлов участкалари ташкил этилди. Юртдошларимиз илк бора Санкт-Петербург, Новосибирск, Қозон, Ростов-на Дону, Екатеринбург ва Владивосток шаҳарларидаги консулликларда овоз бердилар.

комиссиялари таркибига 3 минг 714 нафар фуқаролар йиғинлари ходимлари жалб этилди.

Шунингдек, 844 нафар фуқаролар йиғинлари ходимлари участка сайлов комиссияси раислигига, 5 минг 689 нафари участка сайлов комиссиялари аъзолигига тасдиқланиб, улар томонидан сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чора-tadbirlar амалга оширилди.

Лекин ана шундай тизимли ўзгаришларга қарамай, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар фаолияти кескин танқид қилинганини, айниқса, партияларнинг сайловолди платформалари ҳаётдан йироқ экани айтилганини қайд этиш жоиз. Айниқса, Халқаро пресс-клуб, “Ўзбекистон – 24” каналида уюштирилган мулоқот ва жонли эфирларда, “Севимли” ва “Ёшлар” телеканалларида ташкил этилган “Демократик дебат”лар

теран ҳис эта бошлаганини кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган тadbirlar жамиятни бирдек синовдан ўтказди, миллий манфаат йўлида бир ёқадан бош чиқариш кераклигини ҳам англатди. Тўғри, ана шу жараёнда сиёсий партиялар, депутат ва депутатликка номзодлар танқид қилиниб, парламент “ишқмас”, “танбал” идорага чиқарилгани ҳам бор гап.


Ҳа, биз ана шундай муросасиз сайловларга гувоҳ бўлдик. Бу йўлда қутилган натижаларга эришдик, ҳамма нарса рисоладагидек, десак ҳам хато бўлади. Айниқса, сайловолди дебатлари таҳлили узоқ вақт юртимизда ҳукм сурган “депсиниш” ҳолатидан чиқиб кетиш оson кечмаётганини ҳам кўрсатиб қўйди. Бахс юритиш маданияти, сиёсий тилда сўзлашиш борасида ҳам бир дунё камчилигимиз борлигини кўрдик.

Шу ўринда журналист Норбек Ниёзов ўзининг

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –



✓ **Партия лидери бу ерда кузатувчилар билан мулоқотда бўлиб, бу сайловлар мамлакатимиз, ҳамюртларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратди.**



ЯНГИ-АВЛОД ВАКИЛЛАРИГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг жойлардаги вакиллари сайловларда ёшларнинг фаол иштироки таъминланганини таъкидламоқдалар.

— Қорақалпоғистонда 995 320 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 60 минг нафарга яқини илк бора овоз берадиган ёшлар эди, — дейди партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тажибай Романов. — 18 декабрда 6378 нафар фуқаро мuddатидан олдин овоз берди. Ташкил этилган 622 та сайлов участкасидаги жараёнларни эса АҚШ, Россия, Италия ва Латвия каби давлатлардан келган 17 нафар хорижлик эксперт кузатиб борди. Энг муҳими, сайловларгача бўлган қизиқиш сайлов куни ҳам сунмади.

ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши раиси Махсуд Муҳаммедовнинг таъкидлашича, вилоятда ҳам сайлов кизгин ва уюшқоқлик билан ўтди. Унда 1 070 306 нафар фуқаро иштирок этиши белгилангани ҳолда сайлов жараёнларини кўплаб хорижий вакиллар кузатиб борди. Жумладан, молдовиялик журналист Анна Харламенко Бухоро шаҳридаги 21-сайлов участкасида бўлиб, тадбирнинг юқори даражада ташкил этилганини эътироф этди.

— Эски шаҳарни айланар эканман, юрагимни ранг-баранг туйғулар чулғаб олди, — деди хорижлик меҳмон. — Тарихий обидаларни бугунги кун ва ўтмиш ўртасидаги кўприк, аждроллар ва авлодларни боғлаб турган дил робитаси, десам хато бўлмайти. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо Бухоройи шариф бетакрор шаҳар экан. Одамларингиз юзидаги табассум, меҳр мени мафтун этди. Узимни худди уйимда юргандек ҳис қилдим.

— "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган муҳим тадбирда сирдарёликлар ҳам фаол иштирок этдилар, — дейди партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши раиси Норбобо Соатов. — Сайловларни 20 нафардан ортиқ халқаро кузатувчилар бевосита кузатдилар.

— Андижонликлар ҳам юртимизнинг кейинги беш йилликдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини белгилаб берадиган сайловларда фаол иштирок этишди, — дейди ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов. — Унда сайловчиларнинг 74.9 фоизи қатнашди. Бу вилоятлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Шу ўринда барча сайлов участкаларида ёшлар фаоллиги яққол кузатилганини таъкидлаш ўринли. Вилоятда 47517 нафар ёшлар биринчи марта овоз бердилар.

Бундан ташқари сайловда 100 ёшдан ўтган 56 нафар мўътабар инсонлар ҳам иштирок этдилар. Сайлов комиссиялари аъзолари қарияларнинг хонадонларига бориб, уларга овоз бериш имконини яратиб беришди.

Партия Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Азимжон Солиевнинг айтишича, сайловда 1 480 236 нафар фуқаро иштирок этган. Бу жами сайловчиларнинг 72.3 фоизини ташкил қилади.

Овоз берганларнинг 655 мингдан зиёдини хотин-қизлар, 178 мингдан ортигини эса илк бор сайловларда иштирок этаётган ёшлар ташкил этди.

Навоийда ўтган сайловларни Қозоғистон, Исроил, Италия, Руминия каби давлатлардан келган 16 нафар халқаро эксперт кузатиб боргани айтилмоқда.

— Мен илк бор 1992 йили Президент сайловини кузатганман, — дейди исроиллик эксперт Владимир Месаед. — Ундан кейин парламент сайловларида қатнашдим. Шу йиллар давомида юртингиздаги ривожланиш жараёнларини, фуқароларнинг сайловга муносабати қай даражада юксалиб бораётганини кузатиб келялман.

— "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган сайловда кекса отахону онахонларимиз ҳам фаол иштирок этдилар, — дейди партия Навоий вилояти кенгаши раиси Илҳом Ражабов. — Жумладан, 85 ёшли онахон Марзия момо Имомова фарзандлар, неваралар келажагига бефарқ эмаслигини билдириб, Кармана туманидаги 86-сайлов участкасида овоз бердилар.

Таъкидлаш жоизки, бугун вилоят бўйича 4966 нафар имконияти чекланган фуқаро бор. Сайлов комиссияси аъзолари ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг яшаш жойларида бўлиб, кузатувчилар назоратида уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишлариغا шароит яратиб беришди.

— Фарғона вилоятида 2 171 224 нафар сайловчининг 1 515 514 нафари сайловда иштирок этди, — дейди ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши раиси Хурсаной Исламова. — Бу жами сайловчиларнинг 69,8 фоизини ташкил этди. Сайловда иштирок этганларнинг 1 миллион 600 минг нафари 30 ёшгача, шундан 40 минг 67 нафари биринчи марта овоз берган ёшлар, умумий сайловчиларнинг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Учқўприк, Фарғона туманларида эса жами сайловчиларнинг 80 фоизи иштирок этганини таъкидлаш жоиз.



ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ ОВОЗ БЕРДИ

Мамлакатимизнинг бошқа сайлов участкаларида бўлгани каби Тошкент шаҳридаги 9-«Байналмилал» сайлов округига қарашли 225-сайлов участкаси ҳам бугун сайловчилар билан гавжум. "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси Алишер Қодиров ўз оиласи билан айна шу участкада овоз берди. Мазкур ҳудудда 1 минг 800 нафар сайловчи рўйхатга олинган, улардан 33 нафари илк бор овоз берувчилардир.

— Менинг икки нафар фарзандим ҳам илк бор овоз берди, — деди Алишер Қодиров. — Ўзбекистондаги бугунги жараён авваламбор бутун мамлакатнинг ютуғи. Биз фақатгина партиянинг манфаатлари нуқтаи назаридан эмас, балки бутун Ўзбекистоннинг янгиликлар жараёнлари, халқимизнинг ривожланаётганидан хурсандимиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган янгиликлар жараёни нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ишонч билан айтиш керак, биз ҳам бунга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Қандай таклифлар киритаётганимизни аҳолига етказдик. Натижалардан умидимиз жуда катта. Биз парламентни ўзгартироқчимиз. Халққа хизмат қиладиган парламент бўлиши учун ҳаракат қиламиз. Бугунги очик, шаффоф ўтаётган сайловда ғалаба қозонишимизга ишонамиз.

Партия лидери бу ерда кузатувчилар билан мулоқотда бўлиб, бу сайловлар мамлакатимиз, ҳамюртларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратди.

Бошқа партиялар вакилларининг қайд этишича, "Миллий тикланиш" етакчисининг ушбу сайлов участкасида овоз беришда иштирок этиши сайловнинг шаффофлиги ва очиклигига таъсир кўрсатмаган ва улар қонун бузилиш ҳолатларини кузатишмаган.

Обуна — 2020!

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ
ВА «MALIBU» ҚАМДА «SPARK»
АВТОМОБИЛИНИ ҚЎЛГА
КИРИТИНГ!**

Обуна индекси
158

ЯНГИ САЙЛОВЛАР»



✓ **Ўзбекистонда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик кўрилади. Икки мамлакатнинг турли соҳа вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги йўл очилди.**



“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистонда Қозоғистон йили:

БУЮК ДЎСТЛИК РУҶИ БАРДАВОМ

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида бошланган маданий-маърифий, гуманитар, сиёсий, илмий алоқалар Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан ўтган тадбирларга улашиб кетди. Бу тадбирлар икки халқ, бир тану бир жон бўлиб кетган элларимизни янада яқинлаштирди. Ҳамкорлик тадбирлари халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликни мустаҳкамлаш ва улуғлашдек муштарак мақсадларга хизмат қилди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётганидан дарак. Бу халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқинликнинг намоён бўлишидир.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида туризм, маданий-гуманитар, иқтисод соҳаларида қўллаб тадбирлар, маърифий учрашувлар, турли фестивал ва ижодий кечалар ўтказилди. Икки

мамлакат санъат намояндларининг ўзаро таширфлари амалга оширилди.

Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбусинова иштирок этиб, Гран-при мукофотини қўлга киритди, Ўзбекистон давлат санъат музейида Қозоғистон музейларининг “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўргазмаси, икки томондан 220 га яқин тадбиркор иштирок этган VI Ўзбекистон – Қозоғистон бизнес-форуми ўтказилди.

“Қозоғистон – Ўзбекистон: ҳамкорликнинг янги қирралари” номли китоб кўргазмаси, Қозоғистон таълим кунлари, Қозоғистоннинг “Салтанат” давлат рақс театрининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида концерти ва “Астана опера” театри жамоаси томонидан қўйилган спектакль, “Ўзбекино” МА ва “Қозоқфильм” АЖ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Қозоғистон кинеси кунлари ўтказилгани

кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Йил давомида қозоқ театрларининг Ўзбекистонга ижодий сафарлари уюштирилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида “Абай” спектакли сахналаштирилиб, Қўстонай вилояти И.Омаров номидаги қозоқ театрининг “Хан Кене” ва “Айман-Шолпан” спектакллари намоиш этилди.

Марғилон шаҳрида ўтказилган Халқаро фольклор мусиқа фестивалида Қозоғистондан “Астар” жамоаси иштирок этиб, “Аждодларнинг унутилаётган урф-одатларини тараннум этгани учун” номинацияси билан тақдирлангани ҳам эсда қоларли, муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида ҳамкорлик мустаҳкам асосларга эга. Мамлакатимиздаги мактабларда қозоқ тили ўқитилади, олий таълим муассасаларида қозоқ тили, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Бир қатор лойиҳалар

асосида ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса мустаҳкам ҳамкорлик ифодасидир.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик кўрилади. Икки мамлакатнинг турли соҳа вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги йўл очилди.

Қозоғистон йили доирасида амалга оширилган ҳар бир лойиҳа, ҳар бир янги қадам кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга бўлди.

...Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов ва Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Ақтўти Раимқулова сўзга чиқди.

Азиз Абдуҳақимов мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар амалга оширилади.

ганини қайд этди. Савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилгани таъкидланди.

– Бизнинг маданиятимиз бир, – деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Ақтўти Раимқулова. – Биз ўзбек халқини оға-ини, дўсту ёр, биродар деб биламиз. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонлиши икки эл ўртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Қўллаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари ташкил этилди. Ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланди ва дўстлигимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Тадбир катта концерт дастури билан якунланди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Сайловчилар ҳақида ахборот

Т.р.	Худуд номи	Сайловчиларнинг участкалар бўйича тақсимоли	Соат 20:00 га қадар овоз берганлар сони	Фоизда
1	Қорақалпоғистон Республикаси	995 320	750 471	75,4
2	Андижон вилояти	1 700 199	1 273 449	74,9
3	Бухоро вилояти	1 070 306	762 058	71,2
4	Жиззах вилояти	753 806	541 987	71,9
5	Қашқадарё вилояти	1 799 740	1 357 004	75,4
6	Навоий вилояти	599 263	406 300	67,8
7	Наманган вилояти	1 581 539	1 175 083	74,3
8	Самарқанд вилояти	2 047 353	1 480 236	72,3
9	Сирдарё вилояти	467 569	309 998	66,3
10	Сурхондарё вилояти	1 407 114	1 018 751	72,4
11	Тошкент вилояти	1 748 573	1 159 304	66,3
12	Фарғона вилояти	2 171 224	1 515 514	69,8
13	Хоразм вилояти	1 052 584	752 598	71,5
14	Тошкент шаҳри	1 403 220	853 158	60,8
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сайловчиларнинг жами сони		18 797 810	13 355 911	71,1

Мана бу жадвалга эътибор беринг. Марказий сайлов комиссияси томонидан соат 21.00да эълон қилинган «явка» бўйича маълумот. Бир рақам жуда қизиқ. Тўғрироғи ажабланарли. Сайловда овоз берган сайловчилар сони бўйича энг кам кўрсаткич Тошкент шаҳрида. Бугун пойтахтда овоз берувчиларнинг 60,8 фоизигина сайловда иштирок этибди. Пойтахтда рўйхатга олинган 550 минг сайловчи овоз бериш учун участкаларга бормаган.



Ўзбекистонда болаларни бир ёшдан боғчага беришга рухсат берилди

Жорий йилнинг 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунни имзолаган эди.

Қонунда давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлаши белгиланган. Шунингдек, ҳужжатда мактабгача бўлган ёш ва унинг қай тартибда тоифаланиши аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур қонунда мактабгача бўлган ёш ва унинг даврлари куйидагича:

- Гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача);
- Илк болалик (бир ёшдан уч ёшгача);
- Мактабгача бўлган кичик ёш (уч ёшдан тўрт ёшгача);
- Мактабгача бўлган ўртача ёш (тўрт ёшдан беш ёшгача);
- Мактабгача бўлган катта ёш (беш ёшдан етти ёшгача).

ЎЗА

Тил – миллат кўзгуси

Ўзбек тилига ўзлашган японча сўзларни биласизми?

Ўзбекларни японлар билан бирлаштириб турувчи яна бир жиҳат она тилимиз олтин хазинасида ҳам бор. Ўзбек тилига Шарқнинг қўллаб тиллари сингари япон тилидан ҳам бир қатор сўзлар ўзлашган. Улардан кундалик нутқда фаол фойдаланасанда, кези келганда бу сўзларга бот-бот мурожаат қилиб турамин.

Дунёда бошқа тиллардан сўз олмайди бирор тил йўқ. Шу сабабли ҳам японча сўзлар тилимизнинг лексик хазинасини янада бойитиб турибди. Буни беш жилдан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ҳам исботлайди. Куйида ушбу лугатдан олинган айрим японча сўзларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Даставвал япон тили ҳақида.

Япон тили – Япониянинг расмий тили ҳисобланади. Лексикасида асл япон сўзлардан ташқари хитой тилидан ўзлашган сўзлар ҳам кўп. Улар япон тилига хитой ёзуви билан бирга кириб келган. Япон тилида ик-

кита алифбо мавжуд. Катакана чет тилидан кириб келган сўзлар учун, Хирагана эса “ўзларининг” сўзлари учун ишлатилади. Ушбу тилда сўзлашувчилар сони 140 миллионни ташкил этади.

Япон тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар куйидагилар: **КАМИКАДЗЕ** [“илоҳий шамол”] – 1. Иккинчи жаҳон урушида душман кемаларига қарши ҳужум қилиб, ўз самолёти билан бирга ҳалок бўлган япон учувчиси. 2. кўчма маънода: бирор кимса ёки нарсаси учун ўзини қурбон қилувчи шахсга нисбатан қўлланилади.

КАРАОКЕ [“қуруқ, ёлғиз оркестр”] – 1. Мусиқа маданиятининг оммавий кўшиқларни ҳаваскор кўшиқчилар томонидан тайёр қуй ва матн ёрдамида ижро этишга асосланган соҳаси. 2. Кўшиқларни шундай ижро этишга мўлжалланган апаратура.

КАРАТЕ [“ҳеч нарсасиз, яланг қўл билан”] – қуролсиз ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг японча тизими: рақиб

танасининг оғрийдиган, энг нозик жойларига қўл ёки оёқ билан зарбалар беришга асосланган спорт тури.

КИМОНО [кимono – кийим; кўйлак] – 1. Япон эркалари ва аёлларининг жуда кенг ёнгли халат кўрнишидаги кийими. 2. Умуман, шундай бичимдаги халат ёки кўйлак.

ОРИГАМИ – қоғоздан турли шакллари, буюмлар ясаш санъати.

САМУРАЙ [самурай – хизмат қилмоқ] – 1. Урта асрларда: Японияда зодагонлар, майда дворянларнинг ҳарбий табақаси. 2. кўчма маънода: япон ҳарбий доиралари, умуман, япон ҳарбийлари, аскарлари.

САН [жаноб] – Японияда кимсани ҳурматлаб, унинг исми ёки фамилиясидан кейин қўлланиладиган мурожаат шакли.

СОЯ [шою] – дуккакдилар оиласига мансуб, ловияга ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган дони.

ТАТАМИ [похол бўйра, бордон] –



дзюдо кураши учун мўлжалланган таранг, эластик гилам.


ХАРАКИРИ [хара – қорин + кири – ёрмоқ, кесмоқ] – Японияда самурайларда: қоринни ёриб ташлаш орқали шахснинг ихтиёрий ёки мажбурий равишда ўз-ўзини ўлдириши.

ЦУНАМИ [“ажал ва вайронлик келтирувчи тўлқинлар”] – сув остида ёки соҳил бўйида кучли zilзила бўлганда ёки сув ости вулқонлари отилганда, денгиз остида пайдо бўладиган жуда катта, ҳалокатли тўлқинлар.

А.ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Инсон кўпинча ҳаётидаги қора нуқтага эътибор қаратади. Бу кичкина қора нуқта атрофи оппоқ варақдан иборат эканлигини эса кўрмайди.

Муволишдан чиқиб келган оппоқ “Ласетти” қассобхона биқинида жонсарақ турган, олача чопон, кўк саллалли, жиккак жусса қария ёнида тўхтади.
– Йўл бўлсин, отахон? – деб сўради олд ўриндиқда ўтирган, хумкалла, қошқабоғи солиқ, қоп-қора одам.
Қария серсавлат уловга ҳуркинқираб яқинлашди.
– Жалпоқтошга.
– Утиринг, Чалпақтапагача етиб оласиз.
– Маъкул, улим, барака топинг, – деди қария машина орқа эшигига қўл чўзаркан,
– нариёғи яқин, бир амалларман.
– Тезроқ қимирланг, бува, – деб кўйди ҳайдовчи норизо оҳангда.
Орқа ўриндиққа ястаниб олган куюқ сочлари ораста, силлиқ киши илкис сурилиб қарияга жой берган бўлди.
– Келинг, отагинам.



ЛУҚМОН БЎРИХОН

ЎТИРИК

Қария жойлаша-жойлаша машинадаги ҳар уч киши ҳам кулранг “комуфляжка” кийимда эканини пайқайди.

“Аскарларми дейман” – хаёлидан ўтди унинг.

– Ота, тортинманг, – деди орқа ўриндиқдаги ҳамроҳ узунқисқа салом-алиқдан сўнг. – Чалпақтапагача, э-ҳе-е, яна қирқ километр, йўл нобоп, қулай жойлашиб ўтиринг.

– Раҳмат, улим, раҳмат. Туман маркази, гағжум кўчалар, сархашам уйлар ҳашпаш дегунча ортда қолди. “Ласетти” дала-дашт йўлига чиқиб олди. Унгу сўлда экин майдонлари, ариқ-зовурлар, яккам-дуккам уйлар кўзга ташланади.

– Ҳалиги ерда нима қилиб тургандингиз, бува? – деб сўради ҳайдовчи пешойнадан қарияга кўз ташлаб.

– Улашингма, Жобирнингма “Дамас”и кеп қолармикан деб кутиб тургандим. Шу иккови Жалпоқтошдан қатнайди-да.

– Марказга нега келгандингиз? Бозорга тушдингизми? – яна сўради ҳайдовчи.

– Э-э, бозор қаёқда, болам, – деб қария сийрак соқолини ўйчан силаб кўйди, – са-ал ташеиш билан ҳокимликка келгандим.

Унинг ёнидаги ҳамроҳ чолга ажабланиб кўз ташлади.

– Ҳокимликка дейсизми?

– Ҳа, ҳоким қабулига келгандим. Бизнинг Жалпоқтош тап-тақир дашт. Овулимизга ҳечқурса битта қудуқ керак.

Қўни-қўшни мени илтимос билан жунатишди. Ҳокимга учрашиб, арзимизни етказинг, дейишди.

Шуйтиб марказга келиб эдим.

– Ҳокимга учрашдингизми? – яна сўради ён ҳамроҳ.

– Ҳа, – ўйчан бош ирғади қария, – кирдим, кўрдим.

– Қандай одам экан ҳоким?

– Оппоқ, келишган, бўйинбоғли одам экан.

Ён ҳамроҳ пиқиллаб кулиб юборди. Ҳайдовчи ҳам илжайган кўйи пешойнадан қараб кўйди.

– Эй, – деб пўнғиллади хумкалла, – гийбат қилишга ҳокимдан бошқа одам қуриб қолганми санларга.

Қария, булар сўзларимга ишонмади, деган хаёлда шоша-пиша айтганларини исботлашга киришди.

– Чин, яхши одам экан. Мени

кулиб кутиб олди, чой кўйиб берди.

– Ҳатто, чой ҳам кўйиб бердим, – ён ҳамроҳ қарияга худди ҳайратлангандек тикилди.

– Ҳа. Эшиккача кузатиб ҳам кўйди.

– Арзингизни тингладимиз?

– Ҳа, ҳал қилиб берамиз деб айтди.

– Сизни алдаб-сулдаб чиқариб юборган, – деди ён ҳамроҳ бош чайқаб, – У илтимосингизни бажармайди.

– Нега бажармайди? – ажабланиб унга тикилди қария, – ана, Президентимиз халққа қайиш, ёрдам бер деб ҳар кун айтиб турибди-ку. Юртбошимизнинг ишонган вакили бўлгандан кейин бажаради-да.

– Сиз ҳоким Президентнинг ишонган вакили деб ўйлайсизми?

– Ҳа-да, ишонганидан унга амал берган-да. Биров бир нима ишониб топширгандан кейин бажариш керак, эсам, лафзсизлик бўлади, улим. Бу катта гуноҳ.

– Демак, – яна завқ билан кулди ён ҳамроҳ, – сиз ҳам ҳамқишлоқларнинг ишончли қозониб, ишни дўндириб қайтаёйсиз-да.

Қария кафтлари билан юзини слаган бўлиб кўзини яширди.

– Ҳа, энди... қўлдан келганча... Машина сап-сарик, тап-тақир дашт кўйида узулиб кетган, эгри-бугри, паст-баланд йўл бўйлаб оҳиста ёлиб борарди.

Ур-қалтақдан ишилиб кетган бадандай қир-төпаликлар бирин-кетин ортда қола бошлади.

– Узр, улим, – деди ён ҳамроҳига юзланиб қария, – сизларга йўл бўлсин? Чўпонларнинг отарига борасизларма?

Ён ҳамроҳ узун бир ҳоमुза тортиб олган:

– Шўрсойда ишлаётган геологларни кўрганмисиз, – деди.

– Анови буровойчиларни айтаяёйсизми? Ер ковлаишларни? Ҳа, кўрганман.

– Мен ўшаларнинг бошлиғи бўламан. Ишга кетяпман.

Қария беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

– Сизни менга Худо етказди, улим. Худди сиз керак эдингиз менга?

– Ия, нега?! Тинчликми? – деди ён ҳамроҳ чинакамига ажабланиб.

Ҳайдовчи ҳам пешойнадан қизиксиниб қараб кўйди.

– Ҳа, сиз керак эдингиз, – деди қария қувончдан кўзлари порлаб.

– Ҳизмат борми?

– Ҳа. Бизнинг қишлоққа қудуқ қовлатиб беринг, илтимос.

– Ия, гапингиз қизиқ бўлди-ю, ҳозиргина идорага кириб чиқдим, ҳоким муаммони ҳал қилиб беради, деб айтдингиз-ку?!

Қария худди ичи оғриётгандай юзларини буриштирди.

– Туврасини айтмайми сизга?

– Туврасини айтинг.

– Боя, – деди қария минг бир хижолат ичида, – сал-пал ўтирик сургандим.

– Утирик?! Утирик сургандим?! Нима деганингиз бу?

– Ёлгон гапиргандим демоқчилар, – изох берган бўлди ҳайдовчи.

Ён ҳамроҳ илжайди.

– Ҳа-а, шунақами ҳали...жа-а... кув кўринмасиз-а, отахон.

– Шундай бўп қолди-да, улим. Гапингиз туврасин, ҳокимликнинг иморатини кўрган пайтим тиззам қалтираб кетди.

Ахир бу ерда чакана одамлар ўтирмайди-да, туврама?

– Тувра.

– Шуйтиб, ана кейин... ўйладим, ҳоким давлатнинг одами, зарил-зарил ишлари кўп, биздайчакинлар билан шугулланишга вақтингиз, ҳафсаласи ҳам йўқ, майда-чуйда илтимос билан у кишининг бошини қотирмайлик деб...ана кейин...эшикнинг олдида туриб туриб изимга қайтдим.

– Ия, ғалати-ю, отахон, ҳамқишлоқларнинг илтимоси нима бўлди, ҳали ўзингиз айтгандай, ишонч масаласи нима бўлди?

– Гапни охиригача эшитинг, улим...ана кейин...қишлоққа бориб, ҳокимга учрашдим, шанба кун кел, маблағ бераман, шу пулга қудуқ қаздириб оласизлар, деб айтди дейман.

– Нега айнан шанба кун?

– Сўради ён ҳамроҳ тобора қизқиши ортиб.

– Ана кейин...шанба кун бешолти кўй ҳайдаб бозорга тушаман, сотаман, пулини овулга олиб бораман, мана, ҳоким сўзида турди, маблағ бериб юборди, дейман, буровойчилар билан гаплашиб, шу пулга қудуқ қовлатамиз, деб маслаҳат соламан.

Пешойнадан қараб-қараб кўяётган ҳайдовчи таажжу-бланиб сўради:

– Ўзингизнинг ҳисобингиздан қудуқ қовлатмоқчимисиз?

– Ҳа, энди-и, улим, мол кетса, кетар, лекин одамларнинг ишончи ўлмасин, уйдан шу ишни бўйинга олиб чиққанман, ўртада лафз бор, харажат қиламан-да. Бошланишига шу пул етар, қолганига ҳам Худо пошшо.

– Харажатни сиз қиласиз, югур-югур ҳам сизнинг бўйингизда, иззат-обрў ҳокимга экан-да, – деди ён ҳамроҳ қарияга синовчан кўз ташлаб.

– Ҳа, энди-и, – деб жилмайди қария, – у киши ҳам шу эл учун кўйиб-пишиб юрибди, қайишганимиз маъкул-да.

– Сиз жа-а ғалати фикрлар экансиз, отахон.

– Улим, – қария яна ён ҳамроҳнинг қўлини кафтига олди, – илтимос, ёрдам беринг, харажатга тайёрман, айтганингизни бераман, юзимни ёруғ қилинг.

Ён ҳамроҳ яйраб кулди.

– Отахон, сизнинг юзингиз ҳаминга ёруғ. Сиз ўтирик сурганингиз йўқ. Сиз чиндан ҳам ҳокимга учрашдингиз, илтимосни етказдингиз.

– Йўғ-а, қайтиб?

– Ана, – ён ҳамроҳ олд ўриндиқда ўтириб, гўё даладаштни кузатиб кетаётган хумкалла, қоп-қора кишига ишора қилди, – сиз айтган оппоқ, келишган ҳоким шу ерда...

Ҳайдовчи баралла кулиб юборди.

Ҳоким ҳам мийғида илжайиб ортга ўгирилди.

– Нега куласанлар? Отахон ўтирик сурмайди, кўнгли оппоқ, нияти тоза одамлар булар, шунинг учун кўзларига ҳамма оппоқ, келишган кўринади.

Машина салони яна қаҳқалардан ларзага келди.

– Эй, сен, майнавоз, – деди ҳоким ҳайдовчига юзланиб, – тувра Жалпоқтошга ҳайда.

Отахон ҳокимни ҳам, қудуқ қавловчинини ҳам олдига солиб келганини ҳамма кўриб кўйсин.

Ҳаёт ҳақиқатларини жам қилган таъсирли уч ҳикоя

Дарс пайтида ўқитувчи болаларга океанда чўкиб кетган кема ҳақида сўзлаб берди.

“Кемада эр-хотин ҳам бор эди, ҳалокат пайтида улар қутқарув қайиғига етиб боришди, лекин унда фақат бир кишигагина жой бор эди. Эр қутилмаганда хотинини суриб, қайиққа чиқиб олди. Аёл сувга фарқ бўлиши олдида фақат бир оғиз сўз айта олди...”

Ўқитувчи бир оз тин олди ва болаларга савол берди: “Ким айтади, аёл эрига ўлими олдида нима деган?”

Деярли барча ўқувчилар аёл “Буни кутмагандим!” ёки “Сизни ёмон кўраман”, деган деб жавоб қайтаришди. Ўқувчилардан бири жимгина ўтирарди. Ўқитувчи унга ҳам шу саволни берди. “Менимча, аёл боламга яхши қаранг, деган бўлса керак”, деди ўқувчи. Ўқитувчи ҳайрон бўлиб сўради: “Бу ҳикояни олдин эшитганми-сан?” “Йўқ, эшитмаганман, лекин онам вафот этаётиб дадамга худди шундай деганлар”. Ўқитувчи кўзига келган ёшни артиб олди ва “Жавобинг тўғри” деди.

Ҳикоянинг давоми бор эди. Ҳалокатда жон сақлаб қолган эр тез орада уйига қайтди. Уйда уни қизи кутарди. Эрак қизи катта бўлгунича уни меҳрибонлик билан парвариш қилди.

Орадан йиллар ўтди. Отаси вафот этганидан сўнг қиз унинг буюмларини йиғиштираётиб, ён дафтарча топиб олди. Унда шундай деб ёзилган: “Уша кемага чиқишимиздан олдин биз шифокор ҳузурида бўлгандик ва у хотинининг тез орада оғир касаллиқдан вафот этишини айтганди. Хотинининг умри жудаям оз қолганди. Мен океанда хотинимнинг ўрнига чўкиб кетишга, унинг учун жонимни беришга тайёр эдим, лекин хотиним тез орада оламдан ўтгач, қизимга ким қаради? Биргина йўл хотинимни океанда қолдириш ва ўзим тирик қолиб, қизимга ғамхўрлик қилиш эди”.

Бутун синф жимжит бўлиб қолди.

Ўқитувчи ўқувчиларга яхшилик ниқоби ортида ёвуз ниёт, бир қарашда даҳшатли, инсон нафратини келтирадиган ҳаракат ортида эса яхшилик туриши мумкинлигини айтди. Шу боис ҳам инсоннинг қилган иши, унинг ўзи ҳақида илк тасаввур билан ҳукм чиқариб бўлмайди. Кўпчилик унинг бу ҳаракати ортида нима турганидан мутлақо беҳабар бўлади.

Бир эрак йигирма ёшлардаги ўғли билан вагонга кирди ва жойларини эгаллашди. Ўғил вагон деразаси томонга ўтирди. Поезд кўзгагиши ҳамон у қўли билан ишора қилиб, “Дада, қаранг, ҳамма дарахтлар орқага юряпти” деди. Дадаси кулиб қўйди.

Уларнинг рўпарасида ўтирган эр-хотин эса кап-катта боланинг бу қилиғини кўриб, бир бирларига “аҳмоқ” деб пичирлашди.

Бир ордан сўнг ўғил қувончдан қичқириб юборди: “Дада, қаранг, катта қўл. Унда қушлар сузиб юрибди”.

Эр-хотин яна ажабланиб ижирганиб йиғитчага қарашди ва унинг отасига дейишди: “Ўғлингизни докторга курсатсангиз бўларкан”.

Шунда ота деди: “Ўғлим бугун касалхонадан чиқди. Унинг кўзлари ожиз эди, энди дунёни кўриб завқланмоқда”.

Бошқаларнинг қилаётган амаллари ва сўзларига қараб ҳукм чиқариш нотўғри. Уларнинг қалбида нима борлигини, нима учун бундай қилишаётганини фақатгина Аллоҳ билади.

Бир ўқитувчи бир варақ қоғозга қалам билан кичкинагина нуқта кўйди. Сўнг болаларга курсатиб улардан нимани кўришаётганини сўради. Ўқувчилар ўйлаб ўтирмасдан оддий қора нуқтани кўришаётганини айтишди.

Ўқитувчи деди: “Наҳотки бирортангиз ҳам оппоқ варақни кўрмаётган бўлсангиз? Ахир нуқта кичкинагина бўлса, варақ эса катта”.

Ҳаётда ҳам худди шундай бўлади: инсон кўпинча ҳаётидаги қора нуқтага эътибор қаратади. Бу кичкина қора нуқта атрофи оппоқ варақдан иборат эканлигини эса кўрмайди.

Байрам яқин

Қарши шаҳрида 32 метрлик Янги йил арчаси ўрнатилди

Қарши шаҳридаги вилоят мусикали драма театри олдидаги кенг майдон эртаклар шаҳарчасига айланди. Майдоннинг тунги манзараси кўзни қувнатади. Майдон ўртасида 32 метрлик Янги йил арчаси кўкка буй чўзиб турибди...

Кун кеча вилоятда Янги йил байрами илк бора энг катта арча ва 50 нафар қорбобо билан бошланди. Бутун жамоатчилик майдонга жам бўлди. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев барчани байрам билан қутлаб, бу йилги Янги йил ўзгача руҳда ўтиши ва уни қўтаринки кайфиятда кутиб олиншини таъкидлади.

Рост. Бу йил вилоятда байрамга

ўзгача тайёргарлик кўрилмоқда. Туман ва шаҳарлардаги шоҳ кўчалар байрамона безатилган. Байрам арчаси ўрнатилган.

– Қарши шаҳрида Янги 2020 йилни муносиб кутиб олиш мақсадида, бу йил ўзгача тайёргарлик кўрилди, – дейди Қарши шаҳар ҳокимининг ўринбосари Алишер Насимов. – Болажонлар, халқимиз Янги йилни мароқли кутиб олиши учун урта катта арча барпо этилди. Арчалар атрофида 20 декабрдан 10 январга қадар концерт дастурлари намойиш этилади. Бунинг учун вилоятнинг таниқли санъаткорлари, театр ижодкорлари жалб этилган.

Қорбобонинг совғалари, эртак

қаҳрамонларининг чиқишлари, эл суйган санъаткорларнинг дилтортар куй-қўшиқлари барчага хуш кайфият улашди. Бутун борлиқ болажонларнинг шўх-шодон кулгусига тўлди.

– Бу йил мен учун омадли йил келди, – дейди Қарши шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Райҳона Маннова. – Сабаби инглиз тили фани бўйича 5-синфлар учун ўтказилган билимлар беллашувининг шаҳар босқичида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Бугун байрам арчасини кўргани ота-онам билан келдим. Менда жуда катта таассурот қолдирди. Жуда ажойиб.



✓ Қўқонда ишлаб чиқарилиши кутилаётган ушбу электромобилларнинг тахминий нархи 3 минг доллар атрофида бўлади.

ЯПОНИЯ 2020 ЙИЛ УЧУН РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ ХАРБИЙ БЮДЖЕТНИ ТАСДИҚЛАДИ

Япония вазирлар маҳкамаси мамлакатнинг 2020 йил учун рекорд даражадаги 48,6 миллиард долларлик ҳарбий бюджетини маъқуллади. Мазкур бюджет ўтган йилгига қараганда 1,1 фоизга кўпдир, дейилади "Associated Press" агентлиги маълумотида.

Эндиликда бюджет парламентда тасдиқланиши лозим. Хабарда, шунингдек, Либерал-демократик партия раҳбари Синдзо Абэ бош вазир бўлган 2013 йилдан буён ҳарбий харажатлар ҳар йили ошиб, умумий ҳисобда 13 фоизга кўтарилгани эслатилган.

2022 йилдан Фарғонада электромобиллар ишлаб чиқарилади

Фарғона вилоятида электромобилларни ишлаб чиқариши йўлга қўйиш 2022 йилнинг октябрига режалаштирилган. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «2020 – 2024 йилларда Фарғона вилоятининг Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида сўз боради.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Қўқонда ишлаб чиқарилиши кутилаётган ушбу электромобилларнинг тахминий нархи 3 минг доллар атрофида бўлади. Биринчи йилда 2 минг дона машина чиқариш режалаштирилган.

Сентябрь ойининг охирида россиялик блогер Алан Енилеев Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиши кутилаётган электромобилни синовдан ўтказди. Видеода блогер

Енилеев Қўқон электромобиллари нафақат олдидаги белгиси, балки ички ва ташқи кўриниши билан ҳам Mercedes AMG'га ўхшашига эътибор қаратган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 40 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлиб, шунинг 24 миллион доллари хориж инвестициялари ҳисобига тўғри келади.

Назм бекати

Абдулла ОРИПОВ

ИМТИҲОН

Лоф урма Ватаннинг муҳаббати деб
Уни мансаб каби айлама ҳаёл,
Ёхуд маърузанга эмасдир у зеб.
Ватан танангадаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Бу улуғ севгида илоҳийлик бор,
Ватанни чин фарзанд фаромуш этмас.
Менга ўз туйғумни ўргатма зинҳор,
Инчунин, кибрнинг бозори ўтмас.
Рост гапни ёлғондан фарқлар ондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Асл қаҳрамон ким ёруғ дунёда?
Ғоясин таъмага алмашмаган зот.
Чугурчуқ кўпайса ҳаддан зиёда,
Бургут бўлиб яшаш олий мукофот.
Кул ҳам юртин севса шохдир, хондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Гарчи қўҳна замин умум макондир,
Инсоннинг ҳар жойда ёнсин чироғи.
Мўъжаз бўлса ҳамки, қулбанг ошёндин,
Она даргоҳидек унинг қучоғи.
Сен учун поёнсиз қақхаондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Азал мусофирдир дунёда одам,
Рухим гарчи собит, муаллақ таним.
Бир умр кўйингда муқим турсам ҳам,
Соғиниб яшадим сени, Ватаним.
Меҳр бир, нафрат ҳам бир томондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Майли суймасинлар мени ғанимлар,
Йўлимни тўссинлар рақиблар ҳамто.
Ватан ҳар қайда ҳам маёқдек имлар,
Ғурурим юксалар самоғача то.
Ҳеч кимга бергусиз доғруғ, шондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Латифа

Бир қишлоқнинг йўлида каттакон чуқур бор экан. Шу йўлдан ўтган одамлар чуқурга тушиб, жароҳатланишаркан.

Қунларнинг бирида учта одам шу чуқурни ёнига келиб, тортишиб қолишибди:

— Биласизларми? Шу чуқурни ёнига тез ёрдам машинасини олиб келиб қўйиш керак. Шунда, йиқилган одамга ёрдам кўрсатиш осон бўлади, — дебди биринчиси.

— Э, йўғ-е! Ундан кўра, шу ерга касалхона қуриш керак. Йиқилган одам дарров касалхонага боради, — дебди иккинчиси.

Шунда учунчи одам ўйланиб туриб:
— Оббо, иккалангни ҳам ақлинг йўқ экан. Яхшиси, чуқурни кўмиб, бирор яқин касалхона олдида чуқур қавлатиш керак, — деган экан.

ОТМга кириш имтиҳонларида қайси фанлардан тест синови топширилиши маълум бўлди

Унга кўра, тест синови топширилдиган фанлар мажмуаси, топшириқлар сони ҳамда уларни баҳолаш мезонлари тасдиқланган. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2019 йил 20 декабрдаги 11-сон баёни билан 2020/2021 ўқув йили қабулдан республика олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ҳамда баҳолаш мезонлари тасдиқланди.

Унга кўра, 2020/2021 ўқув йили қабулдан тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси икки бўлимга ажратилди: биринчи бўлимга — барча тест топширувчилар учун мажбурий учта фан —

она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари киритилади. Мазкур учта фандан 15 тадан жами 45 та тест топшириғи берилади. Ҳар бир тўғри жавобга 2,1 балл берилади, максимал балл — 94,5 балл. Иккинчи бўлимга — абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналишларига мос иккита фан киритилади.

Ҳар бир фандан 30 тадан жами 60 та тест саволи берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 3,1 балл билан баҳоланади. Максимал балл — 186 балл. "Кейинги ўқув йили қабулида абитуриентга 5 та фан бўйича жами 105 та тест топшириғи берилади. Тўплаш мумкин бўлган максимал балл — 280,5 балл этиб белгиланди", — дейилади хабарда.

ВОДИЙГА АВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Қамчиқ довони ҳудудида ноқулай об-ҳаво шароити кузатилаётгани ҳамда қор кўчиши хавфи мавжудлиги боис ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, доғон бўйлаб автомобиль воситаларининг ҳаракатланиши вақтинчалик тўхтатилгани ҳақида хабар берилган эди.

Қамчиқ довони йўналишидан фойдаланадиган барча йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан Фарғона водийсига буюртма автобус қатнови йўлга қўйилди.

Мазкур йўналишда "Uzautotrans service" корхонаси Yutong автобусларида йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Тошкентдан йўлга чиққан автобус Андижон, Фарғона ва Марғилон шаҳарлари бўйлаб ҳаракатланади. Автобус Қўйлик деҳқон бозори яқинидан (водий питак) йўлга чиқади. Автобус Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракатланади. Шу сабабдан йўловчилар ўз шахсий паспортлари билан автобусга чиқишлари лозим, дея хабар беради Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот хизмати.

Спорт

Кумушхон Файзуллаева Қатарда шохсупага кўтарилди

Оғир атлетика бўйича Қатар Халқаро кубоги вакилларимиз учун муваффақиятли давом этмоқда. Кечаги кун дастурида терма жамоамизнинг яна бир вакили шохсупага кўтарилди.

Аёллар ўртасида -64 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Кумушхон Файзуллаева даст кўтариш машқи бўйича 96 килограмм натижа билан ушбу йўналишда бронза медалига сазовор бўлди.

Вакиламиз силта кўтариш машқи бўйича 117 кг, икки кураш бўйича эса 213 кг натижа қайд этиб, мусобақани тўртинчи ўринда яқунлади.



Наманганда япон футбол мактаби очилади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасида Токиода бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония Бизнес Форумида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича ўтказилган музокаралар натижасида Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Япониянинг Яманаши префектураси таниқли футбол клуби — "Ванфоре Кофу" ўртасида ҳамкорлик қилиш юзасидан англашув меморандуми имзоланди.

Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Окибжон Инамов ва "Ванфоре Кофу" президенти Казуюки Умино томонидан имзоланган келишувга кўра, Япония «J2 League» футбол дивизиони етакчи жамоаларидан бири бўлган ҳамда бой ўтмиши билан ажратиб турувчи "Ванфоре Кофу" ҳамда Наманган футболли ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилди.

Япон клуби яқин даврда Наманганда ўз футбол мактабини очади, ушбу мактабнинг энг яхши тарбияланувчилари "Ванфоре Кофу" таркибига қўшилиш имконига эга бўлади. Шунингдек, наманганлик мураббийлар учун япон мутахассислари иштирокида ўқув семинарлари, маҳорат дарслари ташкил этади. "Ванфоре Кофу" ҳамда "Навбахор" жамоалари асосий тар-



қибларининг ўртоқлик учрашувлари ўтказиб турилади.

Умино имзолаш маросимидан сўнг Ўзбекистондаги телеканалларга берган интервьюсида ушбу келишувнинг япон футбол клуби нуктаи назаридан тарихий воқеа бўлганини қайд этди, деб маълум қилади вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Д.Жумабоев.

Шунингдек, "Suzuki", "Citizen", "NNS", "Pioneer", "Daihatsu" каби Япониянинг ўнлаб таниқли йирик компаниялари ҳомийлигида фаолият олиб бораётган "Ванфоре Кофу" билан эришилган бу келишув ҳомий компанияларнинг Наманган вилоятига бўлган қизиқишини шакллантириш ва келгусида инвестициялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ақромжон САТТОРОВ, ЎЗА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Абдулазиз АККУЛОВ,
Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Акмал САИДОВ,
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Аброр ПЎЛАТОВ,
Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Шавкат ШАРИПОВ,
Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент- 100000, Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

(0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55,
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,
Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
234-87-74,
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:

Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Моҳира БАХТИЁРОВА
Дизайн:
Маймулло КУДРАТОВ

Электрон почта:

gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» наشريети-матбоба акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафталиқ чоршанба кунини чиқари.

Адаби – 9 077.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Ҳажми: 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими: 350x587
Буёртма – 1226
Босишга топшириш вақти 21.30. Топширилди 7:00